

## **ИСМОИЛБЕК ХАЗРАТЛАРИ**

Мархум ходимул миллат Исмоилбек хазратлари 1268 хижрий, мутобик 1851 милодия санасинда Киримнинг Гаспра кариясинда дунёга келиб, Маскав эъдодий аскарый мактабинда ўқуган. Андан сўнгра Истанбул ва Парижга амалий ва назарий икмоли тахсил этиб, Русияга кайтиб, «Русияда мусулмонлар» ном русча бир китоб ёзиб, Русия мусулмонларининг илмий, ижтимоий ва сиёсий хўлларида бахс ва Русия мусулмонларини химоя этган.

Хижрий 1297, милодий 1880 санасинда Киримнинг мусулмон мадрасасинда русча муаллим тайинлангандурлар. 1883 милодия 10 апрелдан бошлаб мўътабар «Таржумон» гарро жаридасини миллати ислом ва турклик хизмати учун чиқарган, Ва мусулмонларни нодон кисми тарафидан изо ва жафолар чеккан. Кашшоклиги сабабли ўзи ва хотини ила «Таржумон» ни ёзмок, тартиб этмок, харф термок ва почтага топширмок тўгрисиндаги огир ишларни ишлаган ва хатто, баъзан босмагонанинг мошина чархини ўзлари куч ва кўл ила айлантурган. Ва хар нав меҳнат ва кулфатларни ўзига раво кўруб миллатни уйготмокга, дунёдан, сиёсати оламдан, маданий миллатларни холидан хабардор бўлмоклари учун жисман ва рухан ҳеч тинмасдан 35 сана ишлагандурлар.

Мусулмонларни дунёдан хабардор килмок учун бутун Русияда, Туркия, Миср, Тунис, Жазоирда, Хинд ва Африкода, Туркистон ва Бухорода дафъалар ила саёхат этиб, хар ерда мусулмонларни маданияти замонияга, улум ва фунуни асрияга, саноат ва тижорати қаринага ва рус маданиятига даъват ва ташвиқ этгандурлар. Усули савтия мактабларини Русияда бонийи муассиси Исмоилбек хазратларидур. Биринчи янги усул алифбони мураттиб ва ношири яна Исмоилбек хазратларидур. Тараққиёти замонияга ялгуз даъват эмас, фаълан харакатда бўлуб, жамияти хайрия, кироатхона, тараққиюни ислом, таовун жамиятлари ва буларга ўхшаш асосларга тааллуқ низомномалар тузатиб, халқ аросинда нашр этиб, бу кун адади юзлар ила Русияда мавжуд илмий ва маданий жамиятларни барпо этдургандурлар.

Ал-он Русиядаги минглар ила низомлик мактаблар ва собик нашр бўлган ва ҳозир фаълан нашр бўлуб турган юзлар ила исломий мажалла ва жаридаларнинг барча муҳаррир ва мудирлари ул зоти студа сифотни шогирдидурлар. Шундайки, бу кунда Русия мусулмонла-ри ичинда хар бир жарихон ва хар бир муаллим ва хар усули савтия мактабларининг шогирди ва хар бир жарихон муҳаррири мархумнинг билвосита шогирдонидандурлар. Яъни устози муаззамнинг букун Русия мусулмонлари аросинда

милйўнлар ила уламодан мухарририн ва муаллиминдан ва ўқувчилардан шогирди бордур. Хам кандай шогирд! Ўттуз санадан бери доимо онга дарс ўқийдургон шогирдлардур. Яна бу шогирдлар ўз охир умрларинча устоднинг анфоси кудсияси сабаби ила илалабад жорий афкори олиясидан дарс ва файз олмокда бўлурлар.

Хулоса, Исмоилбек хазратлари сулс асрдан зиёда айём тадрисинда милйўнлар ила мусулмонларга доимо дарс берди. Энди илалабад анинг афкори ва рухи ададсиз ва ниҳоясиз мусулмонларга дарси урфон берар... Хулоса, Русия мусулмонлари ичинда мундай бир зот келган йўқдур. Ана ушбу зоти ноёб ушбу сана бешинчи зулкаъда — 12 сентябрда бу олами фонийдан рихлат этиб, бутун дунё мусулмон уърафоларини асири ёс ва алам этди. Рахматуллохи алайхи рахматан ва асъатан.

*«Ойна» журнали, 1914 йил, 50-сон, 1186—1188-бетлар.*